

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 17 (65992)
1997 йил, 26 февраль, чоршанба

Сотувда эркин
наرخда

Жуда кичкиналимдан табиатни яхши кураман. Назаримда, нафис капалаклардан тортиб, муқаддас қуёшгача барча барчасининг узига хос жозибаси, тили бор. Табиатни яхши кўрган одамнинг юраги ҳамisha шодликка, ҳаяжонга тулиқ булади. Балки менинг қўлимга илк бор қалам тутқазган ҳам шу она табиатга муҳаббат бўлса керак.

— Қанақа қалам? — деб хайрон булаёпсиз шекилли. Мен сурат чизоламан. Ҳа, бутун борлиқни, унинг жилваларини, рангинлигини чизишни яхши кураман.

Мен 1995 йил иқтидорли болалар республика курик-танловининг голиби сифатида, Ҳиндистоннинг Шанкар шаҳрида бўлиб қайтдим. Бу ерда ҳам фахрли II -уринни эгаллаб, кумуш медални қўлга киритдим.

Ҳиндистонда юрганымда, азиз Ватаним Ўзбекистон, она шаҳрим Тошкентни жуда соғиниб кетдим. Ушанда Заҳириддин Муҳаммад Бобур қурдирган гузал ва улугвор биноларни томоша қиларканман, буюк шоҳ ва шоирнинг Ватан соғинчи олдида бош эгдим. Уша кунлари юрагимни эгаллаб олган катта ҳаяжон мени тинч қуймас эди. Охири юрагимдаги ҳаяжон қоғозга тукилди. Менинг яна бир асарим «Ҳиндистон туни» сурати чизилди. Мен Ҳиндистондан бир олам таассуротлар

билан қайтдим. У ердаги ёш рассомлар билан танишиб ҳам олдим. Улар бизнинг Ўзбекистонга жуда қизиқишар экан. Ҳар хил саволлар бераверишиб, чарчатиб юборишди. Мен уларга минг марта эшитгандан бир марта курган яхши, деган мақолни келтириб, яхшиси, Ватанимизга меҳмонга борингизлар, де-

Мусаввир буламан деган одам тинмай ўқиши, изланиши керак. Мен меҳнатдан қочмайман, аксинча буш вақтим булди дегунча, тинимсиз изланаман. Дадажоним — рассом Шўҳрат Абдурахмоновдан йул-йуриқлар оламан. Баъзан дадам иккаламиз ўзбек халқининг таниқли рассомлари Рузи Чориев, Али-

«БЕҲЗОДГА ЎХШАГИМ КЕЛАДИ...»

дим. Улар хурсанд булишди. Мен Ватан, унга булган соғинч нима эканлигини уша сафарда яхшироқ тушундим. Унинг таъсирида эса она Ўзбекистонимизнинг юракка қадрдон бўлиб кетган табиатини тасвирловчи суратлар чиздим.

Халқимизда бир ажойиб удум бор. Ҳар бир ўзбек уз шажарасини яхши билиши ва унга катта ҳурмат билан қараш керак. Мен ҳам бобо авлодларимни яхши биламан. Ҳозир уларнинг портретларини чизишга киришганман. Худо хоҳласа, бу ишни охирига етказаман.


1996 йилда омадим чоғди. Мен шаҳар миқёсида бўлиб утган курик-танловда биринчи уринни олдим. Аммо бу мен учун дастлабки босқич, холос...

шер Мирзаев, Неъмат Абдулаевлар ҳузурда бўлиб, санъат ҳақида узундан-узун, мароқли, қизиқарли суҳбатлар қурамиз.

Бир суҳбатда Рузи ака: «Беҳзод ўзбек рассомчилиги учун катта бир ёруғ йул очиб берган», — деган гапни айтдилар. Қандай яхши, халқнинг дидига мос суратлар чизиб тарихда қолсанг, авлодлар сен билан, меҳнатинг билан фахрланиб юришса... Менинг ҳам кунгилга тукан орзуларим бор. Интернатни тугатиб, Бадиий Академиясига кириб ўқимокчиман...

**Камолиддин
АБДУРАҲМОНОВ,
Республика махсус
музыка ва рассомчилик
интернатининг 9-синф
ўқувчиси.**

Бугуннинг боласи



Азиз болалар! Сиз суратда кўриб турган тенгдошингиз — Абдворис Азимовни биз шартли равишда «бугуннинг боласи» деб атадик. Чунки у сураткаш акаларингиз Равиль Альбековнинг гувоҳлик беришича, барча фанларни яхши ўзлаштиради, музыка, шеърят билан уйғун нафас олади, спорт билан мунтазам шугулланади. Энг муҳими, мамлакатимизда ҳар бир ўзгаришларни бугун бола назари билан бўлсада, англашга интилади. У, синф раҳбари Санда онадан кўп нарса ўрганаётир.

Дарвоқе, айни пайтда Тошкент шаҳридаги 193-урта мактабнинг 5-синфида таҳсил олаётган Абдворисдан «Келажакда ким бўлмоқчисиз?» — деб сўрасангиз, кўзлари чақнаб, «Табиб бўлишни истайман», — дейди. Унинг айтганича ҳам бор. Чунки, унинг ота-боболари эл дардига малҳам бўлишдек эзгу ишлари билан пойтахт аҳлига Мош табиб дея танилган кишилардир.

Ана, Абдворис берилиб шеър ўқимокда. Унинг кўзларидаги ҳайратни қўраяпсизми?..

«УЛОҚ» 9- «А» СИНФДА КЕТДИ

«Математикани ёмон кураман», дейди бир шоир. Аммо бу — ҳамма шоирлар, купчилик, математикани ёмон кураман, дегани эмас. Аксинча, биз — Шайхонтоҳур туманидаги Ҳасанхон Исломов номидаги 41-мактаб ўқувчилари математикасеварларимиз. Синфимизда бир донишманднинг «Математикани тушунмаган, ҳақиқатни тушунмай улади», деган сузлари катта ҳарфлар билан ёзиб қуйилган. Дарвоқе, математикани ёмон курадиган шоир ҳам шеъри сунгида: «Бирни бирга купайтурса бир булади, Математика, қўйнинг тула сир булади», деб ҳақиқатни тан олган.

Ростдан, математика сирли фан. Математикасиз ҳаёт йук, ахир. Математикага қизиқиш мактабимизда кун сайин кучайиб бормокда. Яқинда утказилган математика буйича курик-танлов бунга бир мисол. Дастлаб 11-«А» ва 11-«В» синф ўқувчилари узаро куч синашди. Дуздай етилган саволларга селдай тулиқиб жавоблар берилди. Бошқа синфлар тез шакл ясаздан ким узар уйнадилар. Математика асосида 9-«А» синф ўқувчилари тайерлаган жуда қизиқ интермедиядан томошабинлар ичаги узилай-узилай деб кула-кула, боши, ҳатто сочиғача қотди....

Курик-танлов сунгида 9-«А» синф мутлоқ голиб, деб топилди.

**Адибахон
РАҲМАТУЛЛАЕВА,
41-мактаб ўқувчиси.**



ГУЛ АТРИНИ ҲИДЛАБ БИЛИНГ

Биргина қалдирғочнинг келиши ҳали баҳор дегани эмас. Бироқ, бир муъжаз гулнинг узиек беқиёс табиат мавжидан дарақдир.

Шундай экан, турфа гуллар хушбўйидан бош айланиб, куз тиниши ростдир. Ташқарида қиш тишини қайраётганда ичкарида куклам ҳавосидан яйраш қандай яхши. Узлари устирган гуллардан узлари ҳайратта тушаётган тенгдошларингиз пойтахтимиздаги 63-

мактабнинг 1-синф ўқувчилари булади. Муъжаз гуллар хосияти ҳақида сузлаётган эса уларнинг устози Хосият опа Муҳаммад-жоновадир.

— Биз билмабмиз-а, шу оддий гуллар шунақа хосиятлими? — дейишмоқда болажонлар.

— Муъжиза, денглар, муъжиза, — деб жилмаяди устоз.

**Хотиржамлик, вазминлик
керак
Сузлаганда олам тасвирин.**

Ҳар бир гулда худо бор бешак,
Ҳар гиеҳда худо яширин.

(Ш. Раҳмон)


Гулларга қарай туриб ҳайратланаётган болалар яна куп нарсани англаётгандай.

Хосият опа:

— Гул тувакда булса-да, ифори юракда. Гулга хаёлни қанча чулғасангиз, нафосатни шунча илғайсиз, — демоқда.

Яхшиси, шоир бобомиз Асқад Мухтор айтганидай:

**Гул атрин таърифламанг,
Гул атрин ҳидлаб билинг.**



Ал-Беруний, Ал-Хоразмий,
Ал-Фаробий авлодидан.
Асли насли балки ўзлук,
Балки тархон ўзбегим.

Замонлар ўтаверди, тузумлару тизимлар ўзгараверди... Бани одамга вафо қилмайдиган олтин- кумушлар, жавоҳирлар совуқ тошларга айланаверди.

Фақат инсон шуурини ёритувчи илм- жавоҳиргина ўз баҳосини йўқотмади ва аксинча, йиллар ўтган сари сайқаллашиб янада улугворлик касб этиб бораверди.

Азиз болалар, Сиз Ўзбекистондек жаннатмакон юртда яшаётганингиздан фахрланинг. Не-не авлиёлар назари тушган бу Туронзамин тупроғида ўз тафаккур шуъласи билан бутун жаҳонни мунаввар қилган, дунё фанларига асос солган мутафаккир боболаримиз ўтган. Бундан буён газетамиз саҳифаларида сизга ана шундай даҳо боболаримизнинг ҳаётлари ва илм- фан йўлида олиб борган ишлари ҳақида маълумот бериб борамиз.

Сиз ҳар куни мактабда суюб уқийдиган математика фанига ким асос солганини биласизми?

Бугун биз шу фанга асос солган буюк математик, астроном, географ Муҳаммад ибн Хоразмийнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қиламиз.

Хоразмий VIII асрнинг охири IX асрнинг биринчи ярми, Урта Осиёда Араб ҳалифалиги ҳукмронлик қилган бир даврда яшаб ижод этди. Дунё фанига катта ҳисса қўшган бу олим ман-

гу қуёш улкаси булган гузал Хоразмда 783 йилда таваллуд топди. Ушпигидан илмга чанқоқ, саботли бўлиб ўсди. Тўққиз ёшида ҳатто илмий ҳисоб бўйича ўз устозини ҳам лол қолдириб, катта олимлар ечолмаган жумбоқларни бир пасда ечиб ташларди, ўз ақлий салоҳияти билан ҳаммани ҳайратга солганди. Устозлари бу кузлари тийрак боланинг фавқуллод зур бир истеъдодга эга эканлигини ич-ичларидан сезишарди. Ҳақиқатан ҳам йиллар утиб, бу болакай дунё

фанига «Алгебра» деган атамани олиб кирди. Ва шу илмнинг асосчиси бўлиб қолди. «Алгебра» сузи алломанинг «Ал-китоб ал-мухтасар фи-ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала» номли рисоласидан олинган. Олимнинг «Ал-Хоразмий» номи эса «Алгоритм» шаклида фанда абадий урнашиб қолди. Бу буюк олимнинг географияга доир асарлари худди шу мавзуда араб тилида яратилган унлаб асарларга замин бўлиб хизмат қилди. Хоразмий тузган «Зиж» Европада

20 дан ортиқ асаридан бизгача фақат унтаси етиб келган, холос. Ушбу асарларнинг туртгаси араб тилида, биттаси Аҳмад Фарғонийнинг асари таркибида, иккитаси лотинча таржимда сақланган бўлиб, қолган учтаси ҳамон топилмаган. Хоразмийнинг географияга доир «Китоб-сурат-ул-арз» асари қўшлаб географик асарларнинг туғилишига

**МУҲАММАД ИБН МУСО
АЛ - ХОРАЗМИЙ**

манбаа бўлиб хизмат қилди.

1983 йилда буюк ватандошимиз Муҳаммад ибн Мусо Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллиги муносабати билан унинг асарлари ўзбек тилида «Танланган асарлар» таркибида чоп этилди. Хоразмийнинг асарлари жаҳоннинг энг нуфузли кутубхоналарида нодир асарлар сифатида сақланмоқда. Ҳозирда унинг номига турли мамлакатларда, жумладан Эрон, Туркменистон, Ўзбекистон ва бошқа юртларда мукофот ва медаллар таъсис этилган.

Бугун биз маърифатимиз осмонини тафаккур шуъласи билан ҳали ҳамон чарогон қилиб турган бобо-



ларимизнинг буюк хотираси-ю эзгу ишлари олдида ҳар қанча бош эгсак арзийди. Зеро, келажак утмишни урганишдан бошланади.

Устоз минбари

МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА ОИЛА

Бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири миллий мафқурани яратишдир. Хуш, уни қандай яратиш мумкин? Миллий мафқурани тарихимизга, маданиятимизга, динимизга, урф-одатларимизга таянган ҳолда яратишимиз керак. Шундагина у халқ манфаатларини ифода этади.

Миллий анъана ва маросимларимиз шунчалик кўп ва рангбарангки, бунини фарзандларимизга тушунтирмоғимиз керак. Болалигидан урф-одатларимиз руҳида тарбиялаб борсак, айни муддао буларди.

Миллий анъаналаримиз, маросимларимиз айрим шахслар томонидан кўр-кўрона қораланди. Шукрлар булсинки, мустақиллик шарофати билан қадриятларимиз қайтадан тикланди ва тикланмоқда.

Шаклланган қадриятлар оилага, фарзанд тарбиясига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Уларни гудаклигиданоқ катталарни ва тенгқурларини ҳурмат қилиш, кичикларни иззат қилиш руҳида тарбиялаш лозимдир. Оилада инсоний сифатларнинг шаклланиши учун бола ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, адолатлилик, камтарлик, донолик каби сифатларни шакллантириш керак. Шунинг учун уларнинг ҳалоллик, инсофлилик, ахлоқий поклик каби сифатларини ҳам ривожлантириш лозим.

Миллий мафқурани шундай яратиш керакки, бу мафқура орқали ҳар бир фарзанд ўз халқи тарихи, дини, маданияти билан мағрурланиб юрсин.

**Холмат САМАДОВ,
фалсафа фанлари
номзоди.**

Маънавиятни илм-ҳикмат, ақл ва фаросат нури, деб таърифласак арзийди. Бу нур биз ҳар куни кузатадиган қуёш ва ой нуридан тубдан фарқ қилади. Оллоҳ яратган бу улкан ёриткичлар биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми нур сочаверади. Бу нурдан бутун олам — ҳайвонот ва наботот олами баҳра олади, ушиб-улғаяди, ҳосил тугади. Инсоннинг озикланадиган нури эса маънавиятдир! Каттадир-кичикдир унинг таъсирида усади, унади, ҳосил беради. Юртимиздаги барча улуг одамлар ана шу маънавият нурини эмиб улуг булганлар. Улардан қолган ва қолаётган ихтиролар, машҳур асарлар маънавият мевасидир. Лекин маънавият нури шундай нурики, уни излаш, унга интилиш, жафо чекиш керак булади. Яна энг муҳими шундаки, унга болаликдан интилиш, кункикиш зарур. Мен Андижон сафаридан булганимда Шаҳрихон билан Балиқчи уртасида қатнайидиган автобустга чиқдим. Кун оғиб қолган, йуловчилар бозордан қайтишарди. Гап-гапга уланиб, ёнимдагилардан сураб қолдим.

— Болаларингизга нималар харид қилдинглар?

— Э, сураманг меҳмон. Энг биринчи ушаларнинг айтганини оламиз-да...

— Олмасак булмайди-да! Қўлимизга қараб туришадими.

— Нималар олдингизлар? Шуни билмоқчийдим.

— Э, уларнинг заказини

биласиз-ку? Жевачка, юпи, чупа-чупс деганлари ҳам чиқибди. Яна тухум-шоколади ҳам бор.

— Болаларингиз китоб, газета, журнал ҳам олиб келинглар, дейишадими? — кўлиб сурадим мен.

— Айтганларингизни еб булармиди, ука. Уларга ейди-

«Китоб, газета, журнал опкелинг, дада...»

ган нарсаси керак. Ишқилиб, болалар деб юрибмиз-да!

Ажабо, бир автобус йуловчидан, мен болам учун битта газета ёки журнал, китоб олдим, деган ота-онани учратмасам-а! Устимдан оғир юк босгандек булди. Уйлайман. Битта чупа-чупснинг, юпининг, киндер шоколадининг пулига камида 10 та «Тонг юлдузи», 2 донадан «Гунча» ёки «Гулхан» сотиб олса булади. Туғри, улар оғизни ширин қилмайди, бир зум булсаям, нафсни улдирмайди. Лекин болаларимизнинг ақлини



Фақат болалар эмас, биз ҳам қизиқиб ўқиймиз...

Маънавият манзиллари

бойитиб, одобини «ширин» қилади-ку! У ёки бу даражадаги маънавий оламини бойити-ку! Ҳаётдаги янгиликларни, узгаришларни ўз нашрларидан болалар ўқиб билмасалар, қаердан билдилар? Ота-оналарнинг урнига ўзимни қўйиб кўраман. Ҳа, биз уйдан чиқдикми, боламизни

қат нафсини уйлайдиган, ширинхур болалар келажакда ким буларкин? Ахир чет элнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқ ширинликлари нафақат чунтагимизни, болаларимизнинг миясини ҳам қоқиб оляпти-ку! Кўряпсизми, азиз болажонлар! Илмга, кундалик ахборотларга


уйлаймиз. Ўзимизга оладиган нарсаси эсимиздан чиқса ҳам, боламизнинг айтгани эсдан чиқмайди. Биламизки, уйга қайтгач, боламиз бизни сўроққа тутлади. Айтганини қилсак, ундан шод, бахтиёр одам йўқ. Булмаса, шундай тумтайишадими-ки, кўнглимиз вайрон булади. Яна уйлаб қоламан, хуш, болаларимиз ота-оналарга уша ширинликларга қўшимча қилиб менга фалон газета, журнал, китоб олиб келинг дейишса, биз ё унисиде, ё бунисиде, деб оёқ тираб оламизми? Асло! Қайтага хурсанд буламиз, боламиз ўқишга қизиқпти деб. Ахир ўқиш ҳақида эмас, фа-

интилмасликнинг касали узингизда экан! Ота-оналарингиз боламиз учун газета, журнал олайлик, китоб олайлик, деб дуқонларга кирмай куйганликларига ҳам анча булди. Ҳа, бу ҳол уларнинг эсидан чиқиб қолди. Энди уларнинг эсига солиш сизнинг ишингиздур. Газета-журналлар сотиладиган дуқонлардан нега болалар нашрлари йўқ, деб сурасак, ҳеч ким олмайди, дейишади. Энди ана шу дуқонларга бош суқсак, улар албатта купаяди. Чунки ҳаммаси талаб ва таклифга қараб булади-да.

Шу ўринда киоскачи ака-опаларимиздан ҳам жиндакина гинамиз бор. Катталар газета олганда «болангизга мана бу газета ёки журналда ажойиб нарсалар чиқибди, сотиб олинг», деб ташвиқот қилиб қўйсалар асакалари кетмайди.

Қолаверса, катталар орасида «бола йигламаса, онаси сут бермайди», деган гап ҳам бор. Келинг, илмли, маънавиятли булиш учун «йиглайлик»! Ота-оналаримизни уйларимизга ризқ-руз билан биргаликда маънавият нурларини ташиб келишга ҳам одатлантирайлик.

Эркин МАЛИКОВ.



Уғил туғилди! Эшитяпсизми, уғил!

Ҳамма хурсанд. Бир-бирларига, дояларга суюнчи беришган, табриклашган. Бешик туйи суннат туйларига уланган. Кейин эса уйларга чироқ булиб, нур, зиё булиб, келин келган...

Биласизми, уғил туғилганда нега ҳамма севиниб кетади? Тугри, қизалоқ дунёга келганда ҳам хурсанд бўламиз. Оллоҳга шукроналар айтиб, бешик туйи утказамиз.

Лекин, барибир, уғил бола туғилганда бошқачароқ севи намиз-да.

Сабаби, уғил бола ота-онанинг суюнган тоғи, қариганда таянчи, ишончи, гурури. Қолаверса, у она — Ватанинг досбони, ҳимоячиси. Келажакни уз қулларига олувчи катта куч. Ҳа, уғил бола кучли бўлади. Қурқмас, ботир, мард бўлади. Сиз Рустами дostonлар, Алпомишлар, уч огайни ботирлар ҳақидаги эртакларни ўқигансиз. Ана ушаларни ҳақиқий мард уғиллар, йигитлар деса бўлади. Ва ҳамма вақт улардан урناق олиш керак.

ПАҲЛАВОН БОЛА

Уғил бола, биринчи навбатда, спорт билан яхши шуғуллансин. Ота-онаси уни йургакдалигидаёқ бадантарбия билан чиниқтира борса яна яхши. Бола учун бу нарса одат тусига айланади-қолади. Агар ота-она унутса, уғил бола мустақил бадан тарбияни бошлаб юборсин. Чунки спорт билан шуғулланган бола кучли, бақувват бўлади. Унчамунча касаллик унга яқинлаша олмайди. Бундай йигитнинг эса меҳнати унумли, топган-тутгани баракали бўлади. Келажакда бахтини топади.

ДОНОЛИК

ЙИГИТГА ЯРАШАР

Уғил бола мактабда қунт билан чуқур билим олса, унинг бир умр нони бутун. Билим ҳар қандай муъжизага қодир. Узингиз бундоқ уйлаб кўринг, укажонларим, улуг боболаримиз: Алишер Навоий, Ибн Сино, Бобур, Мирзо Улугбек, Ал-Беруний, Ал-Хоразмий каби алломалар илм урганиш билан фанда улуг кашфиётлар қилишган.

Илмли йигит ҳеч қачон кам бўлмайди, турмушда қоқилмайди. Вақтинчалик қизиқишлар, бозорда пул то-

пишлар эвазига илм урганадиган ёшлик чоғингизни сувга оқизиб юборсангиз, кейин пушаймон бўласиз. Уғил-қизлар курганда уларнинг қатор саволларига жавоб тополмай, оталик гурурингиз синади.

Дустлар олдида эса қизариб қоласиз. Шунинг учун ҳам билим ва хунар урганишда ҳикмат кўп.

БИР ЙИГИТГА ҚИРҚ ХУНАР ҲАМ ОЗ

Халқимиз бу мақолни бекорга яратмаган. Қаранг, йигит кишига ҳатто қирқ хунар ҳам оз экан.

Ҳа, уғил бола уй-рузғордаги турли асбобларни тузатишни урганиб олсин. Уғил бола сув йулларини, қувурларни таъмирлашни билса қандай яхши. Телевизор, радио тузатиш ҳам уғил боланинг иши. Дуррадгорликни, гишт теришни, таъмир ишларни билса, устага берадиган пули ёнига қолади. Айни пайтда ишни сифатли бажаради. Охак, буюқни тежаб-тергаб ишлатади. Буюк бобокалонимиз Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг», яъни «Саодатга бошловчи билим» асарида шундай ёзади:

Уғил топсин санъат-хунарда камол,
Бу хунар билан у тера берар мол.
Уғилни тергаб тур, бўш кўйма зинҳор,
Бекор бекор бўлур, югурар бекор.


ТАНИШИНГ: ШОКИР ЖҲҲҲ

Сизга айтган гапларим қуруқ бўлиб қолмаслиги учун набирам ҳақида сузлаб бера қолай. Мақтанаяпти, деманг. Бор гапни, курганларимни

ёзаяпман. Шокир Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги 275-мактабнинг 7-синфида аъло баҳоларга ўқийди. Уйда ойисига, дадасига ҳамма ишда ёрдамлашади. Идишларни, уйларнинг полини ювади. Сабзавотларни артиб, туррайди. Ҳатто чучвара, сомса туғишни ҳам билади.

Телефон қилган киши ёки уйга келган меҳмон билан яхшилаб ҳол-аҳвол сурашади. Меҳмон қутишни урнига қўяди.

Шокир ёзда Қувада, (Фаргона вилояти) бувисиникида бўлди. У ерда ёз бўйи бузоқ, кўй боқди. Азамат тоғасининг ёнига кириб, гишт қўйди. Мош, ловия терди. Мева-чевадан қоқи қилди. Буш вақтида эса қишлоқ болалари билан уйнаб, мазза қилиб чумилди. Чиниқди. Ҳар куни бир-икки соат ухлаб, дам олди. Хуллас, ёзги таътилни жуда сер-



ХАРИДНИ БИЛ

Тараққий этган мамлакатларда аёл киши бозорга бормайди. Бозорни эркакларга чиқарган. Уғил бола уйдаги катталар билан бирга бозорга бир-икки борса, зийраклик

лингизда (қўп қаватли уйда турсангиз) бир парча томорқада бўлса ҳам ҳавас билан гуллар, кукатлар устиринг. Гул ва кукатлар ҳамма вақт асқотади.

Совғани эса уз қўлингиз



мазмун утказди. Энг муҳими, у кўпгина юмушларни урганиб олди.

Шу кунларда эса ибодатли бўлишга интилиб, Қуръон сураларини ёдламоқда. Билим ва хунар эшиклари унга энди очилади.

ЮМУШНИНГ ЁМОНИ ЙҶ

Уғил бола узини, тишини озода тутиши, тез-тез ювиниб, ички кийимларини ҳар икки-уч кунда алмаштириб

билан кузатса, харидни урганади. Озиқ-овқат, сабзавотларни кутара олса — баракали бўлади. Масалан, пишиқчиликда, сабзи, картошка ҳосили стилган пайтларда харид бир мунча арзон тушади. Хуллас, буни билган кам бўлмайди. Билмаса, сураб урганганга не етсин?!

КИЗ БОЛАНИ ТУШУНАСИЗМИ?

Уйлаб жавоб беринг, сиз киз болани тушунасизми? Қиз бола нозикроқ бўлади сизга нисбатан. Кунгли ҳам, узи ҳам. Қиз болани аяш керак, хурмат, эҳтиром кўрсатиш керак унга. Ахир улар келажакда ҳаёт ижодкорлари — она бўлиб етишадилар. Она бўлмоқ эса осон иш эмас...

Қиз боллага қўл кутарган ё уни ҳақорат қилган уғил бола ҳаётда омадсиз бўлади. Иши юришмайди, топганидан барақа қолади.

Яна Шокир ҳақида. Унинг узидан бир ёш кичик Сайера исмли синглиси бор. Акаси Сайерани доим аяйди, уйдаги оғир юмушларни уз зиммасига олади. Яхши, мазали ёгуликларни синглисига илинади. У билан ҳеч уришмайди, аксинча, жуда меҳрибон, доим ёнини олади.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК

Аянги, синглингиз, бувингиз ёки бошқа яқинларингизни байрам ёки туғилган кунлари билан табриклашни унутиб қўймайсизми? Қимматли совға олиш шарт эмас. Ҳов-

билан ясашга урининг. Масалан, кичкина, чиройли курсича, ёки сабзи тўғрайдиган тахтача, балким ип, нина сақланадиган қутича ясаб, совға қилишингиз мумкин. Яхшилаб уйлаб курсангиз ва хунар урганишни кечиктирмаган бўлсангиз, қўлингиздан қўп иш келади.

Хуллас, истак бўлса инсон муъжиза яратишга қодир.

ЙИГИТ БҶЛ, ЙИГИТ!

Эрта-индин бўй етиб, ҳарбий хизматга боришингни яхши биласан, уғлим. Армия сафларида сенга қўп фазилатлар керак бўлади. Чаққон, кучли, довюрак бўлсанг, марра сеники. Ортиқча гап эшитмайсан, қоқилмайсан. Рост гапирсанг, муомаланг яхши бўлса, бировни бировга чақмасанг жазо олмайсан.

Уйда нинани ушлашни билсанг, у ерда кўйлагингга оқ ёқа тикишда шошиб қолайсан. Ҳунаринг, билиминг кучли бўлса йигитларнинг сараси бўлиб, атрофдагиларнинг ишончини қозонасан.

Хуллас, болакай, ҳозир сенинг ўқийдиган, урганадиган пайтинг. Ёмонликдан, нотугри ишлардан узингни тийишга ҳозирдан одатлан. Ахир сен эрта-индин она Ватан посбони бўлиб, тинчликни қўриқлайсан. Кейин эса... ота деган мағрур номни шарафлайсан. Узингдаги барча яхши фазилатларни фарзандларингга ургатасан. Юрт фаровонлиги йулида меҳнат қиласан.

Сенга оқ йул, мард уғил! Бахтингни уз қўлинг, уз феълинг, уз қадамларинг билан яратиб ол! Худо ер бўлсин!

Санъат МАХМУДОВА.



«ТАНКА»СИ БОР БОЛАМАН

Шпаргалка кўп яхшийдди,
Танг пайтда қўл

келарди.

Домла қандай савол берса,
Жавобга тил келарди.

Энди-чи, тест деганлари
Менга сира ёқмайди.
Хатто таниш домла ҳам
Бир бор қиё боқмайди.

Тангаси бор боламан,
«Танка»си бор боламан.
Бўлса бўлар менчалик,
Домласи бор боламан.

— Эҳ, домулла,
домлажон,

Гуноҳимдан бир ўтинг.
Юрагимни қилманг қон,
Чўнтагингизни тутинг

— Кўймадинг,-
кўймадинг-да,

Пулинг менга керакмас,
Битта билет берайин,
Эрта унутмасанг бас.

Ўзинг учун ўл, етим —
Деганлари шумикан?
Тестларни «есть»

қилгучи

Умикан ё бумикан?

— Ўрганиб кел, эртага,
Компьютерда кўчириб.
Раҳмат дерсан шартига
Хато қилма ўчириб...

«Тангаси» бор боламан.
«Танкаси» бор боламан.
Бўлса бўлар менчалик,
Домласи бор боламан.
Зулфия ШОДИЕВА.



— Синфга қандай киримиз энди?
— Юравер, кучамизда тротуар йўқлигини
билишадикун.

Рассом Маҳмуд ЭШОНҚУЛОВ.

Туманимиздаги «Дустлик»
жамоа хужалиги ҳудудида бир
неча мактаб бор. Аммо, ёгин-
гарчилик булса бу ердаги мак-
табларга қатнайдиغان
уқувчиларнинг афти-

юк ташийдиган ёки енгил
машиналар утиб қолса борми,
болаларнинг эгни-бошига лой
чаплаб, масхарабозга ухшатиб
кетеди. Айниқса, Пичоқчи

ларининг сувоқлари кучиб,
ташландикдай қуринади. Бу
мактабда мен, болаларим-
нинг ҳаммаси ўқишган. Ам-
мо, мактабни йилда бир мар-
та таъмирлаш нималигини
бу ердагилар билишмайди.
Туман халқ таълими були-
мидагилар, жамоа хужали-
ги раҳбарлари Пичоқчи
қишлоғи қаердалигини ях-
ши билишмаса керак. Зи-
рапча, агар ишонмасанг, Пи-
чоқчи қаерда? деб улардан
сураб кўр, айтишолмайди.

Хафиз НАСИМОВ,
Самарқанд вилояти,
Пастдарғом тумани.

ПИЧОҚЧИ ҚИШЛОҒИ ҚАЕРДА?

ангорига қараб бўлмайди.
Мактабларга борадиган қу-
чаларнинг бирортасида ҳам
йўловчилар юрадиган йулак-
лар йўқ. Болалар йўл уртаси-
дан юришга мажбурлар. Агар

қишлоғидаги мактаб уқувчи-
ларининг юрақлари безиллаб,
кучадан юришга ҳайрон була-
дилар. Мактаб биноси ҳам
антиқа: синф деразаларига тах-
талар қоқиб қўйилган, девор-



Маҳалламизда Аҳмад муйлов де-
ган амаки бор. У кишининг жаҳли
бурнининг учида турармиш. Да-
дамдан бу гапни эшитиб, ойим
уйда холи қолганларида сурадим:
— Кеча дадам, Аҳмад муйлов-
нинг жаҳли бурнининг учида тура-
ди, дедилар. Бу нима деганлари,
ойи?

— Тушунмабсан
да. Салга жаҳли чи-
қадиган одамни
шундай дейишди.
Аҳмад муйлов ҳам
шундайлардандир-
да!

Буни қарангки, эртасига кучада
дадам айтган уша кишини кўриб
қолдим. Муйлови икки юзига
қайрилиб усган, кўзлари ола-кула.
У ёнидан уйинчоқ милтиқча кута-
риб утаётган боланинг қулидан маҳ-
кам ушлади-да, кўзларини олайти-
риб, ушқирди:

— Менга кечагидек иккинчи
марта милтигингни уқталиб, «фа-
шистсиз, отаман!» десанг, қулогинг
тагида шавла қайнатиб қуяман,
бола, уқдингни!

— Қулогимнинг тагида қозон йўқ-
ку, қандай шавла қайнатасиз, ама-
ки?!— дея ҳайрон бўлиб суради бола,
милтигини ерга тираб турган ҳолда.

— Ҳали, тушунмасликка олиб, ме-
ни майна қилмоқчимисан-а! — деб,
Аҳмад муйлов боланинг унг юзига
шундай шапалоқ ур-
дики, бечоранинг
кўзларидан ут чақ-
нагандек бўлиб, йиғ-
лаб юборди.

— Кечқурун да-
дам ишдан келсин-
ла, узингизнинг ҳам

ШАВЛА ҚАЙНАТИШ

(ҳажвия)

қулогингиз тагида шавла қайнатиб
қуядилар!

Боланинг йиғлаб гапирган гапига
парво қилмай, у киши муйловларини
силаб, жунаб қолди. Дарров боланинг
шапалоқ изи тушган юзини силаб,
овутиб узимча уйлаб қолдим: «Шавла
қайнатиш» — шапалоқ экан-да!

Малика ПАРДАБЕКОВА,
Тошкент вилояти, Зангиота
туманидаги 36-мактабнинг
9-синф ўқувчиси.

УМРИНГ УЗУН БЎЛСИН

Узим ҳажвия ёзувчи бўлганимдан се-
нинг «Тонг юлдузи» да пайдо бўлганин-
ни кўриб, жуда-жуда севиндим. Илойим,
болаларимизнинг бахтига бошинг тош-
лан бўлиб, умринг узун бўлсин!

Зирапча, истасим шуки, болалар ҳа-
тидан ихчам, мазмунли ҳажвийларни уқув-
чиларга тез-тез тақдим этавер. Қулги хал-
тинг сира буш турмасин!

Хўжамурод ТОШТЕМИРОВ,
Ангор туманида чиқадиган
«Илғор» рўзномасининг
муҳаррири.

НЕВАРАЛАР ОРЗУСИ
Салом ҳажвия «Зирапча»
«Тонг юлдузи» кўзуси.
Бу кун чикди рўзбга
Неваралар орзуси.
Қулги, табассум нури
Мурғак дилга сочавер.
Довулатиб қалб кўрип
Довоилардан ошавер!

Хидир МУРОД,
Пешку туманидаги 1-
мактабнинг адабиёт
ўқитувчиси.

Мактублар КУТИСИ

ЁРДАМИНГНИ АЯМА

Саҳифангда «Антиқа хабарлар»
руқнида митти ижодий намуналарим
босилганини кўриб, шодли-
гимга шодлик қушилди. Зирапча,
мен ҳажвчиликка жуда қизиқаман.
Илтимосим шуки, ёзган кичик ҳаж-
вияларимни газетхонларга куз-куз
қилишда ердамингни аяма.

Маҳбуба СУЛАЙМОНОВА,
Фарғона вилояти, Учкўприк
туманидаги 20-мактабнинг
5-синф ўқувчиси.

ШУ ГАП РОСТМИ?

Мактабдошларимнинг
юриш-туришларига қараб ачи-
ниб кетаман. Нимага деганда,
илгари уқувчилар мактаб фор-
маси кийишарди, куча-қуйда
уларнинг уқувчи эканлиги би-
линиб турарди. Энди-чи, ҳам-
маси ҳар хил кийимда. Уқув-
чиларнинг мактабга бориб, ке-
лаётгани сезилмайди ҳам.

Товба, мактаб формаси ти-
киш шунчалик муаммоми?
Ҳатто, бозорда ҳам йўқмиш.
Битта-яримта топилгани ҳам
жуда-жуда қимматмиш. Шу
гап ростми, Зирапча?

Ёрқин МАМАДАЛИЕВ,
Фарғона вилояти,
Ўзбекистон туманидаги
Муқимий номли мактаб
ўқувчиси.



— Серрайиб турмасдан, кампирнинг қулидан
челагини олсанг-чи...
Рассом Хусан СОДИҚОВ.

— Амаки, сиз циркда ишлайдиган кузбойлогич-
мисиз?

— Йўқ, нега бундай деяпсан, болакай?
— Хув анави ёқда сизни «Туяни ютса думини
курсатмайдиغان одам» дейишяпти-ку?

Футбол уйнаб келаётган Алижондан ҳисобдан
мазаси йўқ уртоғи суради:

— Икки тақсим икки неча булади, айтиб юбор?
— Тавба, шунга ҳам билмайсанми, дуранг-да,
огайни!

Одилжон телевизор экранда гапирётган сочи
оқ профессорга қараб туриб, дадасига савол берди:

— Еш боланинг сочи ҳам оқарадимиз, дада?

— Нимаиди, улим?

— Сочим оқарса профессорлик қилмоқчийдим.

— Очил, сигаретингиздан ол?

— Бундан буён мендан сигарет сурама?

— Нега энди?

— Дадам чекишни тапшладилар-да!

Зирапча Хандалари

— Амаки, сомсангизда гушт йўқ-ку!
— Сенга атайлаб гуштсизини бердим, бола
гушт еса қорни оғрийди.

— Э, энди билдим, улингизнинг қорни нега
лоим оғришини...

Икки тирмизак учрашиб қолди. Улардан бири
суради:

— Тулқин, нега боқчага бормадинг, бутун роса
ширин торт едик!

— Биласан-ку, ойим боқчада ошпазлар, унақа
тортдан ҳарқуни ейман.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-086.
9381 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга тошириш вақти 19.00
Тоширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтин тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон:
33-44-25